DOI

Абдурайимова М.
Қарши ДУ 2-курс магистранти

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТУРИ СИФАТИДА

Аннотация
Мазкур мақолада мустақиллик йилларида илмий даражали кадрлар тайёрлашнинг муаммо ва истиқболлари, бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиб берилган.
Калит сўзлар
Олий таълимдан кейинги таълим, Олий аттестация комиссияси, илмий даража, фалсафа доктори, фан доктори, диссертация, автореферат, таянч докторантура, докторантура, мустақил тадқиқотчи

Abdurayimova M.
Karshi du 2nd year graduate

POST-TERTIARY EDUCATION AS A TYPE OF CONTINUING EDUCATION

Abstract
This article analyzes the problems and prospects of training personnel with academic degrees in the years of independence, as well as the work carried out by our government in this direction.
Keywords
Postgraduate education, Higher Attestation Commission, academic degree, Doctor of Philosophical Sciences, Doctor of Sciences, dissertation, Abstract, Basic doctoral degree, Doctorate, dissertation abstract

Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим ва илм-фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун далатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ таълим, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими ислоҳатига устувор аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги

https://wordlyknowledge.uz

4456-сонли фармони ва фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори Олий таълимдан кейинги таълимни тубдан ислоҳ қилинишга ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган Давлат талаблари» да олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда педагогик иш тажрибаси катта аҳамият касб этиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Педагогик иш тажрибаси нафақат педагогик юклама, балки педагогик фаолиятнинг тегишли барча йўналишларини қамраб олувчи фаолият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги Низом»нинг 3-бандига мувофиқ, олий таълимдан кейинги таълим институтида таълим – таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик шаклларида амалга оширилиши, стажёр тадқиқотчилик институти олий таълимдан кейинги таълим институтига тайёргарлик босқичи ҳисобланиши белгиланган.

Ҳужжат билан Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари, Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом, шунингдек фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc) дипломлари ҳамда доцент, катта илмий ходим ва профессор аттестатларининг давлат намуналари тасдиқланди.

Президентнинг 16 февраль 2017 йилдаги 4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими кўзда тутилган: фалсафа доктори ва фан доктори. Бунда ўқиш таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчи шаклларида олиб борилади.

Докторантурага кириш имтиҳонларининг суҳбатга алмаштирилиши муҳим янгилик бўлди. Кириш имтиҳонлари таянч докторантурада сақланиб қолинган.

Бундан ташқари, фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили ва мутахассислик бўйича малакавий имтиҳонлар бекор қилинган. Фалсафа доктори илмий даражаси изланувчилари учун чет тили ҳамда мутахассислик бўйича малакавий имтиҳонлар сақланиб қолинган.

Шу билан бирга, хорижий материалларга талаблар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланган чет эл журналидаги 1 та илмий мақолагача туширилган.

https://wordlyknowledge.uz

Фалсафа доктори илмий даражаси изланувчилари учун тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш “амалиётга жорий этиш учун натижаларни тақдим этиш”га ўзгартирилган. Шу тариқа, фан доктори илмий даражаси изланувчилари учун жорий этиш факти мажбурий қилиб белгиланган.

Шундай қилиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида таълим ва илм-фан соҳаларини тубдан ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, олимларни, айниқса, иқтидорли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида салоҳиятли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сон қарори (2006 йил 7 август).
2. “Инновацион лойиҳа ва техонологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2008 йил 15 июль).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 16 февраль).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарори (2017 йил 22 май).
5. Ражабова Н. История изучения археологических работ кафедры археологии НУУз на территории Кашкадарьи (90-е годы XX – нач. XXI в.). Наука и современность / Евразийское научное объединение. XLVII Международная научная конференция. Январь (2019). Часть 7. С. 377-379.

https://wordlyknowledge.uz